ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ АСАРЛАРИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

К.ШАҲОБОВ

В статье на примере прозы Ш.Халмирзаева показано, что психологические катаклизмы переходного периода стали одной из ведущих художественно-эстетических проблем современной узбекской прозы.

In this article on the examples of the prose by Sh.Holmirzaev it is proved that psychological cataclysms in the transition period have become one of the leading artistic esthetic problems of modern Uzbek prose.

XX асрнинг сўнгги чораги жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб бурилиш палласи бўлди. Улкан бир мамлакатнинг таназзулга учраши нафақат дунё харитасида, балки кишилар руҳиятида ҳам чуқур ўзгаришларга олиб келди. Инсон эндиликда кечаги дунёқараш, кечаги одат ва кўникмалар билан яшай олмаслиги аён бўла бошлагач, энди қандай яшаш масаласини ҳал қилиш учун яқин ўтмишни қайтадан идрок этиш ҳамда бугуни ва эртаси ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш заруратини ҳис қила бошлади. Натижада инсон қалби, руҳияти ўтиш даврининг энг муҳим муаммолари ҳал қилинаётган майдонга айланди. Шунга кўра, истиқлол арафаси ҳамда мустақилликнинг дастлабки йиллари жамиятимиз учун янги ижтимоий-маданий муносабатлар тизимига *ўтиш даври* сифатида қаралиши мумкин.

Даврнинг бу муҳим хусусиятлари, ўтиш даврига хос ижтимоий-руҳий ўзгаришлар, албатта, адабиётда ўз аксини топмай қолмади. Жумладан, ёзувчи Шукур Холмирзаев ижоди учун мазкур давр алоҳида босқич ҳисобланади.

Умуман олганда, 80-йиллар ўзбек насрига хос бадиий тафаккурдаги янгиланишлар Шукур Холмирзаев ижодини ҳам четлаб ўтмади. Истиқлол арафасида юртимизда содир бўлаётган воқеалар ёзувчини бефарқ қолдирмади, адиб уларни таҳлил қилишга, жамиятнинг бугуни, эртаси ҳақида ўз сўзини айтишга интилди. Олам ва одамни тушуниш, замондошларидаги даврга монанд ўзгаришларни таҳлил қилиш борасида Шукур Холмирзаев яна бир поғона юқорига кўтарилди. Шу билан бирга Ш.Холмирзаев ўз ижодий принципларига содиқ қолганининг гувоҳи бўламиз. Бу даврда урф бўлган публицистик руҳ Ш.Холмирзаев асарларида у қадар кўзга ташланмайди. Ёзувчи шунчаки муаммо кўтариш учунгина ёзмайди, аввало санъаткор эканини унутмаган ҳолда, айтмоқчи бўлган фикрини, ўзи ифода этмоқчи бўлган бадиий ниятни образларга, асар бадиий воқелигига сингдириб юборади. Ижтимоий-маънавий муаммолар қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, маънавий-руҳий ўзгаришлари, гап-сўзлари орқали таҳлил этилади, муаллиф томонидан айтилмоқчи бўлган фикр бевосита асар воқелигидан келиб чиқади. Бу фикрни адибнинг “Олабўжи” романи ҳақида ҳам айтиш мумкин.

80-йиллар зиёлиларининг даврга, жамиятнинг мавжуд ҳолатига муносабатлари “Олабўжи” романида Ултон Султонов, Тўқлибой Қўчқоров, Хуррам каби қаҳрамонлар орқали очиб берилади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда Ш.Холмирзаев ўз романи ҳақида шундай дейди: “Олабўжи” деган роман тугатдим... Мен бунда Миллий Озодлик Ҳаракати – табиий жараён экани ҳақида ёздим, десам бўлади” [1]. Дарҳақиқат, асарда истиқлол арафаларидаги воқелик қаламга олинган. Унда жамиятда етилиб келаётган, ижтимоий фикрга айлана бошлаган мавжуд тузумдан норозилик, жамиятни ўзгартириш истаги бир қатор қаҳрамонлар, уларнинг ўзаро муносабатлари орқали очиб берилган.

Асар бош қаҳрамони – олис тоғ қишлоғидаги мактабда оддий ўқитувчилик қилаётган тарихчи олим Ултон Султонов. У тарихчи олим сифатида ўз халқи тарихига, жамият ва тузумга нисбатан ўз мустақил фикри, нуқтаи назарига эга. Кўплар миллий тарихни сохталаштираётган, бу орқали унвон ва мукофотларга эришаётган бир пайтда Ултон уларнинг йўлини тутолмайди, шу билан бирга ҳақиқий тарихни ёритиш имкони ҳам йўқ. Натижада Ултон ўзини четга олишдан бошқа йўл тополмайди. Аввалига у бу йўлни ўзига хос исён йўли деб ҳисоблайди. Аммо вақт ўтиб аслида ўзини қийнаётган муаммолардан қочиб яшаётганини тушуна бошлайди. Унинг ўзи ҳам тан олиб ўйлайдики, “Ултон шу он ўзидаги бир... жуда муҳим жиҳатни кашф этгандек бўлди, йўқ: кашф этилган ва яшаш тарзига айланган “йўл”идан бу борада ҳам... четга чиқолмаганига иқрор бўлди: яъни, “гапирманг!” дегани – Кароматни эслашдан, оғир ўйларга тушишдан қочгани-да?

Ахир, Ултон...

Нимадан-Нималардан Қочиб (аммо узилиб кетолмай) яшаётир?

Ўхшашлик бор-а?

Ажабо, Ултон... ўзини қийнайдиган – азоб берадиган “нимарсалар”дан қочишни одат қилиб олган экан-да?”

Кўринадики, Ултон ўзи яшаётган тузумнинг таъсиридан барибир бутунлай ҳоли бўлолмайди.

Ултоннинг тузумга муносабати интернационализм баҳонасида айтилган фикрларида, айниқса, очиқ намоён бўлади. У икки хил интернационализм борлигини айтиб, бир миллат манфаатлари учун иккинчи миллатни камситиш шўроларга хос эканини таъкидлар экан, шундай дейди: “Шахсан ўзим бу ерда бош айбдор – Совет ҳокимиятию унинг миллий сиёсати, деб ҳисоблайман”.

Демак, кўринадики, Ултон жамият ҳаётидан ўзини ҳар қанча четга олмасин, барибир жамият ҳаётида тобора долзарблаша бораётган, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бутунлай узилиб кетолмайди. Аввалига туман газетасида ишлаб, бу ерда ҳам бор ҳақиқатни ёзиш имкони йўқлигини ҳис қилиб, табиатни асраш ҳақидаги мақолалар билан чеклана бошлаган, мактабда оддий ўқитувчилик қилаётган Ултон Оқсувда ҳарбий полигон барпо этилишига, мачитнинг бузилишига, болалар меҳнатидан фойдаланилишига, табиатнинг оёқости қилинишига бефарқ қараб туролмайди. Аммо бу ишларга тўсқинлик қилиш қўлидан келмагач, собиқ ўқитувчиси, эндиликда райком саркотиби Тўқлибой Қўчқоровдан умид қилади. Бу инсон билан суҳбатда эса “Ултон, ниҳоят, бу кишининг ҳазил-ҳузулларию дўқ-пўписалари билан бирга... ...моҳиятини ҳам англаб етгандек бўлди: бу одам яхши яшаб, ўйнаб-кулиб ўтмоқчи. Вассалом”.

Тўқлибой Қўчқоров турғунлик даври етиштирган, шўро ҳукумати талабларини оғишмай адо этадиган амалдорлардан. Бироқ Тўқлибой Қўчқоров тузумга содиқ қуллардан ичдан фарқланади. У инқирозга юз тутаётган тузумнинг моҳиятини жуда яхши англайди. “Хуллас, гапимнинг маъноси шулки, биз бу империядан... ҳа, унинг қўлидан қутулиб чиқишимиз учун битта атом уруши керак бўлади. ...Еру кўк.... дабдала бўлиши керак. Ўзиям бир бало бўлади-ю, лекин кейин биз мустақил бўламиз!

Ултон анграйиб қолди: наҳотки бу одам... арбоб – фирқўмнинг биринчи котиби шундай гапларни...

...айтаётир?

Ё, тавба!”

Тўқлибой Қўчқоров Ултон таъриф этганидек “дарди ичида” одамлардан. Бироқ бу дард уни бирор эзгу иш қилишга ундамайди. Бўтабой Сўпининг манфаатларига тегиб кетмаслик учунгина молхонадан фарқ қилмай қолган мактаб биносини таъмирлаш масаласига бефарқ қарайди. Ултонни Баҳор билан учраштириш режасини амалга ошириш учун эса мактабни таъмирлаш ишига Тўқлибой Қўчқоров ҳам, Бўтабой Сўпи ҳам бош қўшадилар. Демак, улар иложсизлиги, чорасизлиги учунгина эл-юрт олдидаги бурчларини амалга оширолмаяпти дейиш хато бўлади.

Романда Хуррам, Зокир Ўринов, Дунё каби қаҳрамонлар ҳам ўтиш даврининг ўзгаришларидан четда қолмайдилар. Мавжуд ҳолат доирасида бўлса-да, нимадир қилишга, адолатсизликка қарши туришга интиладилар. Айни пайтда ёзувчи уларни бутунлай оқ бўёқларда тасвирлаб, фидойи инсонга айлантириб қўймайди, ўзига яраша камчиликлари, хатолари билан борича тасвирлашга интилади.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, таназзулга юз тутаётган, чок-чокидан сўкилиб бораётган тузумдаги йирик воқеаларни бир туман, қишлоқ ҳаётида содир бўлаётган воқеалар билан табиий равишда боғланишига эришади. Бемаъни афғон уруши, миллий-маданий қадриятларнинг камситилиши, экологик муаммолар – барчаси қаҳрамонлар тақдирини, ўзаро муносабатларини белгилаётган воқелик сифатида битта сюжет чизиғига бирлаштирилади. Қаҳрамонларни бошқача ҳаёт ҳақида ўйлашга, мавжуд ҳолатдан чиқиш йўлларини излашга ундайди.

2003-2007 йилларда Шукур Холмирзаевнинг сайланмаси нашр этилди. Сайланмадан адибнинг турли йилларда яратилган ҳикоялари ҳамда эсселари жой олган. Эътибор берилса, унда Ш.Холмирзаев ижодининг турли босқичларида яратилган асарлар алоҳида жилд сифатида тартиб берилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, адибнинг 1984-1996 йиллар оралиғида дунё юзини кўрган ҳикоялари иккинчи жилдни ташкил этадики, ёзувчининг айни йиллар оралиғидаги ҳикояларида маълум бир умумийлик борлигини, уларда бу вақтга қадар яратилган ҳикояларида кузатилмаган жиҳатлар намоён бўлганини кўриш мумкин.

Бу давр ҳикояларида ёзувчининг инсонга, ўзи яшаётган жамиятга муносабати ўзгараётганини кузатиш мумкин. Бунгача муаллиф инсонни асосан маънавий-ахлоқий позициядан туриб таҳлил этган бўлса, энди барча муаммоларнинг илдизи тузумга, ижтимоий муносабатларни белгилаб бераётган омилларга бориб тақалишини кўрсатишга интилади. Бу борада адибнинг 1990 йилда ёзилган “Хорун ар-Рашид” ҳикояси фикримизнинг далилидир.

Асарда собиқ тузум аллақачон умрини тугатаётганини англамаган, ҳамон эскича фикрлайдиган амалдорнинг “халқ ичидаги” саргузаштлари ҳикоя қилинади. Ҳикоя қаҳрамони вилоят фирқа қўмитасининг мафкура котиби Мелибой Бўриев жуда яхши, жуда некбин ниятда – худди Хорун ар-Рашид каби халқнинг дилидагини билиш, уни яқинроқ бўлиш учун кечаси оддий ишчи кийимида кўчага чиқади. Аллақачон обрўси бир пул бўлган партиянинг ғояларига ишонтириш орқали барча муаммоларнинг ечимини топиш мумкин деган ўта жўн тасаввурдаги бу одам “халқ ичида” ҳам ўзининг амалдор сифатидаги тор ва авторитар қарашларидан четлаша олмайди – кўчада дуч келган ҳайдовчига, тирикчилик ташвишларидан ҳолдан тойган одамларга ўзиникини маъқ-

уллатишга интилади. Натижада асли кимлигини айтса-да, обком секретари тунда бундай юришига ишонмаган ҳайдовчи уни “апирист” деб ўласи қилиб калтаклайди – бундан жамиятни боши берк кўчага киритиб қўйган партиянинг халқдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан нақадар узоқлиги, унинг обрўси ҳам шунга яраша эканлиги англашилади.

Энг бамаъни гапни эса Мелибой Бўриевни уйига олиб келиб қўйган бошқа бир шофёр айтади. Мелибой Бўриевнинг “обком секретарининг шундай уст-бош билан тунда юришига ишонасизми? ... Шу тариқа партияни халққа яқинлаштириш учун, демак, партиянинг обрўсини кўтариш учун...” деган гапларига жавобан шофёр шундай дейди: “Бунинг учун секретарь Хорун ар-Рашид бўлиши керак. Ана шундай бўлолмагани учун ҳам партиямизнинг обрўси кетган...”

Адибнинг шу давр оралиғида яратилган бошқа бир ҳикояси – “Қиш ҳангомаси”да ўтиш даврининг турли авлодга мансуб кишиларда турлича акс-садо бераётганлиги, уларнинг фикр-қарашларидаги ўзгачалик қаламга олинган. Ҳикояда, назаримизда, муаллиф аниқ бир ижтимоий муаммони таҳлил қилишни эмас, давр ижтимоий муаммоларига нисбатан ким қандай позицияда турганини тасвирлашни мақсад қилган кўринади.

Ҳикоя қаҳрамонлари ёзувчи Козим Пухтаев ва журналист Қўлдош Ботир собиқ тузумга ўзларича мослашган – бири замонавий мавзулардан қочиб, асосан, тарихий мавзуларда ёзади, иккинчиси журналист Қўлдош Ботир “битта машҳур пахтакор совхози директорини баайни “монополия” қилиб олган”, фақат унинг ютуқлари ҳақида ёзиб, шунинг орқасидан яхшигина обрў ва даромад топади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам шартаки, ёш шоир Ўсар Усмонни у қадар хушлашмайди, чунки Ўсар Усмон – “катталарни ҳурмат қилмайдиган”, “жилови бўш қўйилган” ёшлардан.

Ҳар икки қаҳрамон бир нарсага ҳайрон бўлишади: қалтис ёзадиган ёш шоирнинг шеърларини босишади ҳам, Ўсар Усмон “босмаганига ҳам қўймайди”. Энди жамият ўзгараётганини, эски тузум умрини тугатиб бораётганини улар тушунишмайди, билганларида ҳам ўзлари одатланиб қолган эҳтиёткорликдан қутулолмайдилар.

Дам олиш уйида қиш кунларидан бирида содир бўлган гўё арзимасдек туюладиган воқеадан муаллиф катта бадиий умумлашма чиқаради – ихчамгина ҳикоя давомида уч авлодга хос характер чизгиларини беришга улгуради. Қўлдош Ботир қайсар, ноҳақлигини била туриб, ўзиникини маъқуллайверади; Ўсар Усмон шарттаки, гўё доимий исён кайфиятида юради. Козим Пухтаевнинг фикр-қарашлари Қўлдош Ботир даражасида қотиб қолган эмас. Шу билан бирга, ҳар икки томонга ҳам маъқул кўринишга интилади (“Энди, ака, унинг гапида ҳам жон бор... лекин сизнинг фикрингизгаям тўла қўшиламан!”), суҳбат давомида гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб кетаверади.

Ҳикоя якуни рамзий маънога эга. Йўлакдаги қорни кураб ташлаган Ўсар Усмон шундай дейди: “Йўл очиш мана бундай бўлади... Нима деманглар, барибир, катта йўлни ёшлар очар экан”. Козим Пухтаев ва Қўлдош Ботир “беихтиёр адоққа қараб кетишаркан, тўхтаб қолишди. Бир-бирига қараб жилмайишди ва орқага қайтишди.

Улар барибир ёшлик... очган йўлдан келишарди”.

Ш.Холмирзаевнинг “Яшил “Нива”, “Ҳайкал”, “Кўк денгиз”, “Битикли тош” каби қатор ҳикояларида ҳам ўтиш даврининг муҳим муаммоларини давр кишилари руҳиятидан ўтказиб беришга интилиш кузатилади. Жумладан, “Ҳайкал” ҳикоясида бутун умр шўро ғояларига чин дилдан ишонган, ана шу ғояларга хизмат қилаётганига шубҳа қилмаган инсоннинг давр ўзгари шларига мослаша олмай чеккан изтироблари тасвирланган. Шунга ўхшаш, Ш.Холмирзаев мансуб авлод кишиларининг бари учун ҳам даврнинг шиддатли ўзгаришларига мослашиш, умри давомида эъзозлаб келинган қадриятлардан бирдан ва буткул воз кечиш осон бўлмаган – бу жараён изтиробли руҳий изланишлар билан бирга кечган. Ва худди шу нарса ёзувчи учун, аввало, шахсий муаммога айланди, натижада адиб ўзининг руҳий изланишларини қаҳрамонларига проекция қилди. Натижада Ш.Холмирзаевнинг 80-йиллар ўрталаридан бошлаб айни шу ижтимоий-шахсий эҳтиёж ҳосиласи сифатида яратилган асарлари марказида “ўтиш даври” чинакам бадиий-эстетик муаммога айланди.

АДАБИЁТЛАР:

1.Адиб шахс бўлиши керак. Ёзувчи Ш.Холмирзаев билан суҳбат.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1991.- 1 ноябрь.
2.Ш.Холмирзаев. Олабўжи. Роман. // Шарқ юлдузи.- 1992.- № 1, 2,3,4
3.Ш.Холмирзаев. Сайланма. 2 жилд.- Т.: Шарқ, 2005
4. Романнинг янги умри.// Жаҳон адабиёти.- 2001.- №9

Андижон давлат университети,
2010 йил 28 августда қабул қилинган.
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)